



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 20 ноябрь, № 225 (6155)

Пайшанба

ШВЕЙЦАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Швейцария Конфедерацияси Президенти, ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Дидье Буркхальтер 2014 йил 21 ноябрь кuni мамлакатимизга ташриф буюради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан учрашувда Ўзбекистон ва Швейцария муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари, ЕХТТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

Ўзбекистон — Швейцария: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2014 йилнинг 21 ноябрь кuni Швейцария Конфедерацияси Президенти, ташқи ишлар вазири Дидье Буркхальтернинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Швейцария давлатлараро муносабатларининг жадаллашуви Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган очиклик, ўсувчан ислохотлар ва кенг конструктив шериклик сиёсати самардорлигининг ёрқин далиллари билан бириктирилади. Бундай сиёсат мамлакатимизнинг юксак халқаро нуфузга эга бўлишини таъминлагани баробарида, жаҳон ҳамжамияти томонидан ўз эътирофини толган ва қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкентдаги олий даражадаги музокаралар самимий дўстлик ҳамда томонларнинг сўнгги вақтлардаги янги, жадал тараққий қасб этаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлики янада кенгайтиришга муштарак тайёрлигига асосланган мулоқот тарихида яна бир муҳим саҳифани очди. Ўзбекистон — Швейцария муносабатларининг изчил равишда ривожланиб бораётгани ушбу фикрни тасдиқлайди ва давлатларимизнинг икки ҳамда кўп томонлама даражаларда кенг қамровли шерикликдан ўзгармас манфаатдорлиги ва интилишини намоён этади.

Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида икки томонлама расмий ҳамкорликка мамлакатларимизаро дипломатия муносабатлари ўрнатилган кун — 1992 йил 7 майда асос солинган эди. Ҳозирги вақтда давлатларимиз ўзаро ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этадиган 25 та қўшма ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Швейцария раҳбарияти билан 1993 ҳамда 1996 йил-

лари Давосда ўтказган учрашувлари чоғида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган эди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун парламентлараро ва идоралараро даражаларда, шу жумладан, икки давлат ташқи сиёсат маҳамалари ўртасида мулоқотлар қўллаб-қувватланмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида ўта қулай шарт-шароит муҳитини яратиб бериш тартиби ўрнатилган. 2013 йили ўзаро товар айланмаси 141,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида икки томонлама савдо-сотиқ ҳажми 92,3 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистондан Швейцарияга пахта толаси, ёғоч-қоғоз массаси ва дори-дармонлар, хизматлар экспорт қилинади. Импорт қилинадиган товарлар орасида эса тўқимачилик жиҳозлари, турли асбоб-ускуналар, фармацевтика ҳамда кимёвий воситалар, оптика ускуналари, пластмасса ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистон — Швейцария савдо-иқтисодий алоқаларини тартибга солидиган муҳим механизм — Ҳукуматлараро комиссия фаолияти ҳисобланади. Ушбу тузилманинг йиғилишлари мунтазам тарзда ўтказилмоқда. Унинг сўнгги мажлиси 2012 йилнинг 13 июнь кuni Тошкентда бўлиб ўтди.

Ҳозирги вақтда республикамизда швейцариялик сармоядорлар иштирокида 77 та компания фаолият олиб бораётгани ҳам амалий шериклик ўзаро манфаатдорлигига асосланганлигидан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ ВА ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ

Пойтахтимизда “Ўзбекистон матбуоти” IV Миллий форуми ва кўргазмаси бўлиб ўтди.



Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза форумида сенаторлар ва депутатлар, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма ва интернет нашрлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, медиа соҳа экспертлари қатнашди.

АНЖУМАН

Айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуслари ва ғоялари асосида мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича

босқичма-босқич, аниқ мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу эса жамиятда ОАВ ролини қучайтириш, унинг ижтимоий-сиёсий,

социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаштириш.

Албатта, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастурий асос бўлиб хизмат қилаётди.

(Давоми 3-бетда).

Оила институтини мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турган устувор вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Тадбирда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳудудий тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кенг қуламли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида ҳамкор ташкилотлар кўмағида маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатларини түшунтиришга қаратилган 70 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Ёш оилалар ажралиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича 65 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилиб, уларга 7 миллиондан ортиқ киши

жалб қилинди. Маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш йўналишидаги ишлар ҳам изчил давом эттириляётди.

— Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан амалга оширилаётган бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборлидир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г. Алимova. — Жорий йилнинг ўтган даврида улар

томонидан республика бўйича жами 5 миллиондан ортиқ оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганилди. Натиждада 43 мингга яқин оилаларда турли нилзоларнинг олди олинди ҳамда 206 мингдан ортиқ фуқароларни иш билан таъминлашга, бир миллиондан зиёд оилалар вакилларига тиббий ёрдам кўрсатилишига кўмаклашилди, 80 мингга яқин оилаларга моддий ёрдам берилди.

Анжуманда “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

(Давоми 3-бетда).



Замонавий, қулай, сифатли

спорт инвентарлари, ускуналари ҳамда болалар товарлари ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади

«Ўзэкспомарказ»да «Sport World Uzbekistan — 2014» ва «Болалик дунёси — 2014» халқаро кўргазмалари иш бошлади.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Кўргазмалар «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмағида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуи томонидан ташкил этилди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, замонавий билим ҳамда тажрибаларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод-

ни вояга етказиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Шу боис таълим тизимини ривожлантириш жараёнида унинг узвий спортини ривожлантириш моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида кўркам спорт мажмуалари бунёд этиш, уларни бугунги кун талабларига мос ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланиш бўйича салмоқли



ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спорти-

ни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми 3-бетда).

САЙЛОВ — 2014 ЙИЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Бугунги сонда мухбирларимизнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси раҳбарлари билан суҳбати эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

19 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди. Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С. Отамуратов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир қатор қўмиталарининг мажлисларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар вакилларининг иштирокида олдиндан муҳокама этилди. Муҳокама-лар чоғида мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини ижро этиш механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий тақлифлар билдирилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2014 йилнинг тўққиз ойида аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил январь ойида ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш ҳисобот даврида иқтисодийнинг изчил равишда ўсишига ва макроиқтисодий барқарорликка хизмат қилди. Бу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши 8,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларининг ўсиши 6,8 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиш суръатлари 14,2 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида профитит билан ба- жарилди.

Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар вакилларининг иштирокида олдиндан муҳокама этилди. Муҳокама-лар чоғида мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини ижро этиш механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий тақлифлар билдирилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2014 йилнинг тўққиз ойида аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил январь ойида ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш ҳисобот даврида иқтисодийнинг изчил равишда ўсишига ва макроиқтисодий барқарорликка хизмат қилди. Бу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши 8,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларининг ўсиши 6,8 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиш суръатлари 14,2 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида профитит билан ба- жарилди.

Машинасозлик ва ме-

(Давоми 3-бетда).



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиққон ТУРДИЕВ “Халқ сўзи” газетаси муҳбири саволларига жавоб берди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Ишбилармон юрtdошларимиз ҳамда фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида қандай асосий масалалар ва вазифалар белгилаб олинган? Аввало, шу хусусида маълумот берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда бутун халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги жуда муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига қизгин тайёргарлик кўраяпти.

Бу сайловлар янги тарихий шарт-шароитда ўтмоқда. Бугун тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасида эришган юксак марраларимизни бутун дунё эътироф этмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган, Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўлини белгилаб берган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси кенг кўламли изчил ислохотларнинг давомийлигини таъминлаб, тараққиётни янги босқичга кўтармоқда.

Энг муҳими, ана шундай сазой-ҳаракатлар натижасида юрtdошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараш тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофдаги ислохотлар, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораёпти. O'zLiDeP айна шундай кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида ўзининг амалий ишлари билан Ўзбекистон шурхатини дунёга тобора кенг ёётган, шаҳар ва қишлоқларимизда минг-минглаб иш ўринларини яратишда қатнашаётган тадбиркор ҳамда фермерлар — мулкдорлар синфи манфаатларини ифода этиб, сайловларда фаол иштирок этаётди.

Ҳаммамизга маълумки, истиқлол йилларида айнан мулк эгалари моддий ва маънавий бойликлар яратадиган, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи, ислохот ғояларини илгари сурувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил одамлар эканига гувоҳ бўлидик.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги вазифалар замирида ҳам айнан ўрта синф учун янада кенг имкониятларни очишда иштирок этиш партиянинг асосий ғоясида мумкамандир.

Шунинг учун ҳам Сайловолди платформамизга соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш, мулк устуворлиги ва ҳимоясини кучайтиришга ҳисса қўшиш сингари долзарб вазифаларни киритдик. Чунки хилма-хил шакллардаги мулк — иқтисодиёт ривожини таъминлаб берувчи куч ва асосий ресурс ҳамда ҳар қандай иқтисодий эркинликнинг қаролиги ҳисобланади. Яъни сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликни иқтисодий эркинликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг қудрати ва дунёдаги маъқегага ҳолисона баҳо беришда авваломбор унинг иқтисодий қувватига ва салоҳиятига, инсонлар учун яратиб берилган имконият ҳамда турмуш даражасига катта эътибор қаратилади. Ана шуларни назарда тутиб, Сайловолди платформамизда республикамизда макроиқтисодий барқарорлигини ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, давлат бюджети мубозанатлигини таъминлаш, ҳўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкни янада қамайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, молия бозори барқарорлигига эришиш, мўътадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни тўла кўллаб-қувватлашимиз акс этди.

Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш, унинг рақобатдошлигини ошириш учун сармоялар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам юртимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали иқтисодиётга хусусий инвестициялар ҳақиминг жадал ўсишини таъминлаш ҳам Сайловолди платформамиздан кенг ўрин олган.

Иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, қулай молиявий-иқтисодий ва боҳжона шартносларини кўллаб-қувватлаш ҳамда яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали кенгайтириш масаласига ҳам платформамизда алоҳида эътибор қаратилган.

— Мулк ҳимоясини янада кучайтириш, иқтисодиётга таркибий ўзгаришларнинг давом эттириш, хусусий сармоялар ҳақимини ошириш вазифалари — бу асосан хусусий секторни янада кўллаб-қувватлаш билан боғлиқ, албатта. Айтнинг-чи, партия бу соҳани ривожлантириш учун қандай аниқ таклифларни илгари сураётми?

— Аввало, шунини алоҳида қайд этиш керакки, бугун халқро жамоатчилик ҳалигача кўпгина давлатлар иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларини юмшатиш ва бартарф этишни муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибасини эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда ўрта синфни кўллаб-қувватлашга, хусусий сектор-

ни ривожлантиришга доир қонунлар, Президентимизнинг кўллаб фармон ва қарорлари, махсус давлат дастурлари асосида янги иш ўринларини ташкил этишга устуворлик берилмоқда, ҳар йили ўртача бир миллион атрофида яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми айнан хусусий секторга, иқтисодиёт тармоқларида ишлаётган аҳолининг 75 фоиздан зиёди эса кичик бизнес улушига тўғри келади.

Бундан ташқари, мана, бир неча йилдирки, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ҳар йили 8 фоиздан ортаётганида ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам ушбу секторни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш партияимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунда биз давлат ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъект-

лари молиявий-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқ ҳолатларни бартарф этишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЙИМ)да кичик бизнес улушини изчил ошириш борасидаги стратегик вазифа билан боғлиқ. Айна пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан ошди. O'zLiDeP ўз Сайловолди платформасида ушбу кўрсаткични изчил юксалтириб бориш бўйича ўзининг аниқ таклифларини илгари сузмоқда.

Шу билан бирга, саноат ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулкнинг етакчилигига эришиш асосий вазифаларимиздан саналади. Хусусан, саноат соҳасида юксак технологиялар билан жиҳозланган, фан-техника ютуқлари асосида рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз. Шунингдек, йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацияни изчил ривожлантириш, кичик бизнес ва фермер ҳўжалиқлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини мақбуллаштириш сиёсати давом эттирилиши лозим, деб биламиз.

Банклардан кредит олиш тизимини янада соддалаштириш лозим. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун янада қулай шартнослар яратиш ҳам муҳим вазифаларимиздан эканини таъкидлаш жоиз.

Сайловолди платформамизда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳани изчил ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама кўллаб қувватлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш борасидаги вазифаларни ҳам аниқ белгилаб олдик. Хусусан, партия экин майдонлари таркибини юқори даромад келтирадиган озиқ-овқат экинлари ҳисобига кенгайтириш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ ҳўжалигини янада диверсификация қилишда фаол иштирок этишни кўзламоқда.

Кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, аҳолининг ҳарид қобилияти юқори бўлган йирик ва ўртача шаҳарлар атрофида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонларни кўпайтириш керак.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташини соҳасида хизмат кўрсатадиган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, инфратузилма ташкилотлари ва фермерлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш масалалари ҳам устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалигининг бозор талабларидан келиб чиқиб иқтисослашувини чуқурлаштириш, қишлоқда саноатни янада ривожлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада такомиллаштириш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга хизмат қилади. Шулардан келиб чиқиб, O'zLiDeP аграр соҳага оид қонунларни янада мукамаллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

— Қонунлар ижросини таъминлашда депутатлик назорати институти ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бу борада партия қандай ишларни амалга оширмоқчи?

— Чиндан ҳам, Сайловолди платформамизда кўрсатилганидек, парламентимизни янада ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, энг муҳими, парламентни

демократик ва либерал ислохотларнинг етакчи кучига айлантириш масаласи партияимиз учун энг устувор масаладир. Ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топаётган бугунги ислохотларни янада жадаллаштириш масаласи қонунчилик фаолияти билан боғлиқ. Бунда биз асосий эътиборни ўрта мулкдорлар синфи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қулай шартнослар яратиш берадиган қонунлар яратишга қаратамиз. Уларнинг ижросини таъминлашда эса жамоатчилик ва депутатлик назорати алоҳида роль ўйнайди. Ҳукумат ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини янада ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам асштиб боришни таъминлаш, бунда партияимиздан сайланган депутатларнинг фаолигини ошириш муҳим вазифамиздир.

Шунинг учун ҳам партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига фуқаролик масъулиятини тўла ҳис этаётган юрtdошларимиз номзодини кўрсатди. Биз шунини ишонч билан айта оламизки, партия томонидан илгари сурилган номзодлар халқимиз фаровонлигини, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш, миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга бор сайёҳаракати ва имкониятларини сафарбар этадилар.

— O'zLiDeP ишбилармонлар ва тадбиркорлик ҳаракати сифатида иқтисодий ислохотларга асосий эътиборини қаратади. Айтнинг-чи, партия бошқа соҳаларда қандай вазифаларни амалга оширмоқчи?

— Дарҳақиқат, партияимиз ўзининг асосий электорати бўлмиш ишбилармонлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермерлар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш учун курашиш билан бирга, давлат ва жамиятимиз ривожининг бошқа соҳалари бўйича ҳам аниқ платформавий таклифлари ва қарашларига эга.

Жумладан, фуқаролик институтларининг турли қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишини, ижро ҳокимиятининг фуқаролар олдида ҳисоб бериб боришини кучайтириш ва умуман, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” принципини амалга ошириш масалалари ҳам биз учун энг устувор вазифалардан дидир. Фуқаролик жамияти институтларининг муҳим бўғини бўлган оммавий ахборот воситаларига, унинг иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни кўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар, фермер ва мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, жазоларни либераллаштириш, ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг сундан ташқари шакллари кенг жорий қилиш тарафдоримиз. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишининг энг муҳим шарт бўлган судлар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, жамият учун хавфи катта бўлган ва хиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жавобгарлики либераллаштириш масалалари партияимизнинг диққат-эътиборида турибди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган интилишларини кўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш партияимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, хусусий капитални жалб этган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, барча қулайликларга эга бўлган ижтимоий иншоотларни, айниқса, қишлоқ жойларда барпо этиш, мактабгача таълим ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш масалалари ҳам устувор вазифаларимиздандир.

Ташқи сиёсат соҳасида давлатимизнинг тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш бўйича умумэътироф этилган халқро меъёр ва қоидаларга содиқлик, турли ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик принципларига асосланган қатъий сиёсатини тўла кўллаб-қувватлашимиз. Зеро, давлатимизнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий ахиллиги, чегараларни дахлсизлигини ҳурмат қилиш ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмалиқ сиёсати халқро микёсда муносиб баҳоланаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бизнинг давлатимиз тарихан қисқа бир даврда асрларга татигули ютуқларга эришди. Бугун дунё микёсда Ўзбекистон деган ном баралла янрамоқда. Олдимизда турган сайловлар эса эртанги кунимизни янада фаровон этишга хизмат қилиши билан бирга, фарзандларимизнинг тақдири ва келахатини белгилашга ҳам бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, сайловчиларимизни бўлажақ сайловларда барча партия-дошларимиз, жамиятни янгилаш ва эркинлаштириш ғоясини кўллаб-қувватлаётган миллионлаб хайрхоҳларимиз номидан O'zLiDeP номзодларини кўллаб-қувватлашга чақираман.

Қобил ХИДИРОВ
сўхбатлашди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси Наримон УМАРОВ билан сўхбат.

— Мамлакатимизда кўпфирклилик, партиялараро рақобат ҳамда очиклик тамойиллари асосида шу йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шундай шартда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий майдондаги ўз ўрнини қандай белгилайди?

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш мақсадида амалга оширилган кенг кўламда ислохотлар давлатимизнинг жаҳон микёсидagi юқори даражадаги нуфузини мустаҳкамлади.

Бугун мамлакатимиздаги барча сиёсий жараёнлар демократик тамойиллар асосида ва кучли рақобат шартносларида ўтаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу жараёнда сиёсий партиялар катта ғоявий ва амалий тажриба орттириш билан бирга, ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича ўз қатъий позицияларини белгилаб олдилар, уларнинг дастурлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши ҳамда сиёсий партиялар орасида соғлом муносабат қузилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қўртбосшимизнинг “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган ғояларига асосланган ҳолда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиб, эл-юртимиз ўртасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиб бораётган партиядир.

1995 йилда ташкил толган партия ўтган давр ичида ғоявий жиҳатдан жиҳлалашди, ташкилий тарафдан мустаҳкамланди, жойларда партиянинг аҳоли ўртасида маъқега ўсди.

Партия ўз сиёсий фаолиятида катта тажриба тўплаб, жорий йил давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда тўртинчи марта иштирок этмоқда. Партия аъзолари сонининг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик корпуси таркиби изчил ўсиб бораётгани ҳам партия салоҳияти юксалганидан далолатдир.

Адолатли фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги ва жамиятга ҳисобдорлигини ошириши партия ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайми.

Партия ўз фаолиятида юқори маълумлик мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар, педагог ва шифокорлар, илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари фаюлларига таянади.

— “Адолат” партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга қандай ғоялар билан кириб келмоқда?

— Партияимиз сайлов кампаниясида иштирок этар экан, ўз номига хос равишда адолат ғоясини, қимлиги, қайси ижтимоий мухитга мансублигидан қатъий назар, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ғоясини рўёбга чиқариш асосий вазифамиз, деб ҳисоблайми. Партиянинг энг муҳим вазифаси — “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” деган тамойилни кенг жорий қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиқларини самарали ҳимоя қилишини таъминлашдир.

Партия жамият шаклланиши ва демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини изчиллик билан таъминлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, суд ҳокимияти фаолияти мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунларнинг ташаббуслари бўлади ва уларни кўллаб-қувватлашдир.

“Адолат” СДП асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонун йўли билан тартибга солишга, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг доирасини қисқартиришга интилади. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва қонунийлик ғоялари партия депутатлик корпуси қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади.

Шунинг баробарида, биз суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишни давом эттириш, судлар фаолиятида очиклиқни, суд жараёни ишторқчиларининг тенглигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарасини ошириш бугунги кунимиз ўткир талаби, деб ҳисоблайми. Назорат қилувчи ва ҳужуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилишни устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш бугунги ислохотларимизнинг мантқиқий давомий бўлиши зарур. Биз бу борада фаол иш олиб боришга тайёримиз.

“Адолат” партияси “Давлат инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини ишончли қафолати бўлиши керак”, деган ўз ғоясидан келиб чиқиб, бундай ҳуқуқларни амалга ошириш механизминини такомиллаштиришни ўзининг бош вазифаси сифатида қўради. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир

шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартносларида ишлаш ҳамда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини ва бошқаларни таъминлаш билан қулай турмуш шарт-шартносларини яратиш партия фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Шу ўринда партия ўз депутатлик корпусларининг марказ ва жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратини кучайтиради.

Ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар билан кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш партиянинг диққат-эътиборида бўлади. Шу билан бирга, партия бюрократиянинг ҳар қандай кўринишларини бар-тараф этиш тарафдори бўлиб қолади.

Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги мақомини янада ошириш, иқтисодий ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсий ҳаётга фаол жалб этиш бизнинг устувор вазифаларимиз сифатида сақланиб қолмоқда.

АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ, АДОЛАТ — ҲАР БИР ИНСОН УЧУН

— Адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсади йўлида давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклиги бўйича партиянинг қарашлари қандай?

— Партияимиз ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар вазифаларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятнинг институти билан ҳамкорлигини изчил ривожлантиришни кўллаб-қувватлайди.

Биз, ўз депутатлик корпусимизга таянган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ечишга қаратилган дастурлардаги иштирокини кенгайтириш масалаларига ҳам эътиборимизни кучайтираемиз.

Партия ўзининг ҳамкорлари — касба-ўшмаллари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда ННТнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шартносларни яратиш, ҳокимиятни кенгайтириш, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқариш режалаштирмоқда.

Шу билан бирга, партия мамлакатимиз келажаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита боғлиқ эканини қайд этади. Биз ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳалла институтининг бундан кейин ҳам такомиллашуви, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айланиши учун унга айрим давлат ваколатларини бериш тарафдоримиз. Партия мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳаллаларнинг аҳамияти ва таъсирини янада оширишга ҳаракат қилади.

Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустаҳкамлаш “Адолат” партиясининг устувор вазифаси, деб белгиланган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очиклигини таъминлашда фаолигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлаш учун ОАВнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик модернизация қилиш, журналистик касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш жуда муҳим омил ҳисобланади.

— Маълумки, “Адолат” СДП ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори ҳисобланади. Партиянинг сайловолди платформасида ушбу масалалар қандай ифодаланган?

— Ҳақиқатан ҳам, партияимиз юртимизда бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдоридир. Иқтисодий соҳадаги ўсиш ва бошқа ислохотлар аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблайми.

Бизнинг назаримизда, бизнес жамият учун зарур бўлган ижтимоий муҳитларини амалга оширишнинг лозим шаклидир. Шу боисдан ҳам биз давлат ва хусусий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тақдирини билан қилаемиз.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси мамлакатимизнинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Янги технологияларга асосланган иқтисодиёт мамлакатимиз

</

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Полянте СВЕШНИКОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— O'zLiDeP депутатлари Давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқаётиб, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг рўйбга чиқарилишини охириги беш йилнинг айнан шу даврлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилдиклар. Биз Ўзбекистон Республикасида асосий макроекономик қўрсаткичларининг ижобий ўсиши доимо таъминланганлиги, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилган, деган хулосага келдик. Бунда мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳар доим проңицит билан ҳамда Олий Мажлисининг иккала палатаси томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқ ижро этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирма ва кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳақи кейинги беш йил мобайнида ошганлигини, бу эса, ўз навбатида, ягона солиқ тўлови тушумларининг кўпайишига олиб келганлигини таъкидлаш қувонарлидир. Солиқ юқининг мунтазам равишда пасайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари ҳақининг оширилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу мамлакатимизда аграр сектор, фермерлик ҳаракати ривожланиши учун ҳам рағбатлантирувчи омил бўлди.

Искандар АЗИЗОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағла-

рининг ҳар йиллик ўсиши давлатимизнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кўчайтириш масалаларига бераётган эътиборининг ошаётганлигидан дарак беришни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Мисол учун, агар 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага 5537,6 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2014 йилнинг 9 ойида ушбу кўрсаткич 13313,6 миллиард сўмни, яъни 2,5 баравар кўпроқни ташкил этди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори жорий йилнинг январь ойига нисбатан 12 фоизга ошди, бу эса Ўзбекистон ХДП электоратининг манфаатларига мос келади.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолиятида касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ўз мугъассасликларига мувофиқ ишга жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар устувор масала сифатида белгиланган. Шу муносабат билан 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш учун сарфланган материаллар ва зарур хом ашё билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилганлиги эътиборга олиниши керак.

Жамила НИЁЗОВА, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Беш йил давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама этишда фаол иштирок этди. Шунингдек, ушбу даврда бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақдимлаштирилди. Бундан бюджет жараёнини ўз ичига олувчи Давлат кодексининг қабул қилиниши дав-

лат молиясини бошқаришнинг халқаро стандартларига мос келадиган ягона қонунчилик базасини яратиш имконини берди, бу эса, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаларини мустаҳкамлаган ҳолда, барча даражадаги бюджет тизими даромадлари ҳамда харажатларининг ва умуман олганда, бюджетларро муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлади.

Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижросини муҳокама этаётиб, маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларига йўналтирилган харажатлар 2013 йилнинг айнан шу давридагига нисбатан 19,8 фоизга ошганлигини қайд этиш мумкин. Ушбу харажатлар, асосан, спортни ривожлантириш, ахборот-қўтубхона марказлари ва иқтисодлаштирилган кутубхоналарни молиялаштириш, музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари, маданият уйлари ва саройлари, театр ҳамда мусика труппалари, телерадио қўрсатув ва эшиттирилари таъминлаш, кино маҳсулотларини яратиш ҳамда бошқа тадбирларга йўналтирилди. Бизнингча, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам маданият масканларини, "Баркамол авлод" болалар марказларини, мусика ва санъат мактабларини молиялаштириш учун бюджет харажатларини ошириш жуда мумкин.

Камолта ҲАМИДОВА, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг суръатлари ва хусусиятига, замонавий ҳаёт воқеалиқларига тўлиқ мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришга йилдан-йилга кўпроқ эътибор бераётганлиги бизни қувонтиради. Бу мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни вужудга келтириш юзасидан аниқ мақсадли ишлар олиб борилаётга-

нидан дарак беради. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фан учун 113,9 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,7 фоизга кўпроқдир. Шу жумладан, 69,2 миллиард сўм тармоқлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Шунингдек, инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштириш, фанга хизмат қилувчи муассасалар ва ноёб объектларни сақлаш, унинг ривожланиши билан боғлиқ бошқа харажатлар учун ҳам катта маблағлар ажратилди. Бу ҳар доим илм-фанга эътиборни кўчайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга ва кундалик ҳаётга фаол таътиқ этиш тарафдори бўлиб келган партияимизнинг дастурий мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади.

Сиддик АБДУБОҚИЕВ, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сарфланаётган харажатлар йил сайин ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда ушбу тадбирлар учун ажратилган бюджет маблағларининг миқдори 48,9 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йил якунларига кўра, бу 122,8 миллиард сўмни, 2014 йилнинг тўққиз ойида эса деярли 320 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларини яхшилаш, оқова сувлар учун тозалаш иншоотларини қуриш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Шунингдек, давлатимиз Орол бўйидаги экологик тадбирларга, суғориладиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилашга, биологик хилма-хиллигини сақлашга, қишлоқларни тўлқин ва уларни утилизация қилишга ҳам катта эътибор бермоқда.

Депутатлар ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-

мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Мажлис чоғида депутатлар, шунингдек, мамлакатимизда ҳақиқат ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Жумладан, парламент аъзолари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролар ҳаётининг ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Қонун лойиҳаси мамлакатимизда жамоавий инвестициялаш тизимини ташкил этишни рағбатлантиришга, вақтинчалик бўш турган пул маблағларини сафарбар этишга ҳамда уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтиришга қаратилган.

Мажлисининг кун тартибига "Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси болаларнинг жисмоний, руҳий, ижтимоий, ахлоқий ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилувчи қонунчилик кафолатлари ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаб қўйишга қаратилган.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Ҳар томонлама кўриб чиқилган сўнг депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.



Замонавий, қулай, сифатли

спорт инвентарлари, усқуналари ҳамда болалар товарлари ёш авлодининг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган вақт мобайнида барча вилоят ва туманларимизда 1586 та болалар спорт объекти, жумладан, 271 янги спорт комплекси, 934 та спорт зали барпо этилди, фаолият кўрсатаётган 285 та спорт иншооти, 96 та сузиш ҳавзаси реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. 230 та болалар мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 81 фоизи қишлоқ жойларда эканлиги диққатга сазовордир.

Яна бир жиҳати шундаки, спорт мажмуалари, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар билан таъминланмоқда. Чунки саноатнинг мазкур йўналишида ҳам мамлакатимизда бой тажриба тўплаган. Масалан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган дастлабки йилда маҳаллий корхоналаримиз томонидан болалар спорт объекти учун зарур бўлган 73 тури тайёрланган бўлса, бугунги кунда 116 турдаги спорт анжумлари ва усқуналари ишлаб чиқарилапти. Бу борада «Ўз-Тонг Хонг Ко», «Ўз-Донг Янг Ко» каби қўшма корхоналар, «Стеклопластик», «Машхин», «Хўжабод» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, «Sport Jhoz Lyuks», «Qalb me'mori nuri» хусусий корхоналари, «Asia Sport-S» хусусий фирмаси ва бошқа кўплаб тадбиркорлик субъектлари фаолияти эътиборга молик. Қолаверса, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналарда илгор технологиялар асосида сифатли спорт кийимларини тикши йўлга қўйилган.

— Кўргазмада ўз маҳсулотларимиз билан қатнашаётганимиздан мамнунмиз. Фаолиятимизни 2003 йилда

чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқаришдан бошлаган бўлсак, 2007 йилдан эътиборан спорт анжумлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик, — дейди Балиқчи туманидаги «Mini teks» кичик корхонаси раҳбари Аширрали Аҳмедов. — Дастлаб фақат беш турдаги маҳсулот билан чекланган эдик. Бугун буюртмачиларга 26 турдаги спорт жиҳозларини етказиб бераёلمиз.

«Болалик дунёси — 2014» кўргазмасида эса болалар ва ўсмирлар учун турли товарлар — болалар адабиёти, ўйинчоқлар, ақли чарчайдиган ўйинлар, санитария-гигиена воситалари, кийим ва пойабзал маҳсулотлари омма эътиборига ҳавола қилинган.

Кўргазманиннг «Болалар адабиёти» бўлимида «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Фағур Фулом номидаги, Чўлпон номидаги нашриётларда чоп этилган кенг турдаги болалар, ўқув ва ўқув-усулий адабиётлар намойиш этилмоқда.

Шунингдек, «Original Lyuks Servis» ва «Гарант мебель» компаниялари тақдим этаётган кенг турдаги болалар мебеллари, «Toys-Plast», «Avranzeb» ва «Optima Best Plast» масъулияти чекланган жамиятлари намойиш этаётган болалар ўйинчоқлари ва ақли чарчайдиган ўйинлар иштирокчиларнинг эътиборини тортмоқда.

Ташкилотчиларнинг қайд этишича халқаро кўргазмалар юртимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини намойиш этиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг спорт ва болалар товарларини тайёрлайдиган етакчи компанияларни вакиллари билан учрашиш, музокара ўтказиш, тажриба алмашиш имконини беради.

Шавкат ОРТҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири:

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлов.

Ўзбекистон — Швейцария:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ушбу компанияларнинг 55 таси қўшма корхоналар бўлса, 22 таси юз фоизлик хориж капитали асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик ҳузурида 29 та Швейцария компаниясининг ваколатхонаси аккредитациядан ўтган бўлиб, улар фармацевтика, кимё, озик-овқат ва машинасозлик соҳалари, савдо-сотик ҳамда хизматлар йўналишларида фаолият олиб бормоқда.

Молиявий-техникавий ҳамкорлик ҳақида фикр юритганда, Ўзбекистонда турли соҳаларда миллий лойиҳаларнинг амалга оширилишига Швейцария ҳукумати томонидан кўрсатилган ёрдамни ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, сув таъминоти ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг ўзига Ўзбекистон учун

54,6 миллион АҚШ долларини ажратилган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил тараққий топмоқда. Тошкентда 1999 йилдан бери фаолият юритаётган «Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти бу жараёнда муҳим ўрин тутади.

Илм-фан жаҳасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик олиб борилмоқда. Астрономия, физика, биофизика, генетика, биокимё, тарих, тиббиёт, экология сингари соҳаларда қўшма тадқиқотлар амалга оширилаётгани мазкур фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз ўртасида нафақат икки томонлама асосда, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) сингари халқаро тузилмалар доирасида ҳам ўзаро муносабатлар ривожланмоқда. Ўзбекистон томонидан 2014 йили Европада

Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиш бўйича Швейцария номзодининг қўллаб-қувватлангани ҳам бу йўналишдаги яқин ҳамкорликнинг тасдиғидир. Қайд этиш жоизки, Президент Д. Буракхалтер мамлакатимизга ЕХХТнинг амалдаги раиси сифатида ҳам ташриф буюрмоқда.

Ушбу ташриф томонларнинг эзгу иродаси ҳамда Ўзбекистон — Швейцария давлатлараро мулоқотини мутлақо янги, ўзаро манфаатларга ҳамда мавжуд салоҳиятга жавоб берадиган даражага олиб чиқишга интилишига таянган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасида узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли аснода қурилган кўп қиррали шериклики ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга жиддий тurtки бериши кутилмоқда.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жумладан, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва Саховат уйларида васийликка олинганлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Айни чоғда, 2,5 мингга яқин кам таъминланган оилалар вакиллари, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлар иштирокида турти-

Оила институтини мустаҳкамлашда маҳалланиннг ўрни

мизнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Кам таъминланган оилаларнинг 20 минг нафардан зиёд фарзандлари оромгоҳларда дам олишига кўмаклашилди.

Яқунда ёшлар тарбияси, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда «Маҳалла» фондининг худудий бўлим ва бўлимчалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини ошириш, ушбу жараёнларга кенг жамоатчиликни жалб этиш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмаларининг фаолиятини янада кўчайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ ВА ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бугун матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг интернет тармоқидан жой олиши учун бекимё имкониятлар мавжуд. Бу эса барча соҳалардаги туб ўзгаришларнинг очкичилигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этапти.

Кейинги йилларда ОАВга илгор ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, демократик бозор механизмлари кенг жорий этилди, қатор имтиёз ва қўлайликлар яратилди. Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими тубдан тақомиллаштирилди. Пировардида оммавий ахборот воситаларининг сони сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги маълумотида келтирилишича, 2014 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари сони 1387 тага, матбаа корхоналари сони 1819 та, нашриётлар сони эса 108 тага етди.

Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари эса глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг қўллаб-қувватлашда намойиш этилмоқда.

Ахборот соҳаси эркин фаолият юритиши, мазкур соҳада фуқаролар институтлари ривожланишини таъминловчи кенг қамровли институционал ислохотлар амалга оширишда Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролар жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази каби ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

Форумда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш — ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот соҳасини либераллаштириш. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш — улар мустақиллиги ва эркинлигининг энг муҳим шарти каби қатор мазмуларда маърузалар тингланди.

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар

Маҳкамаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманиннг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технология модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилиди.

Хусусан, жорий йилнинг 5 майида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкичилиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очик ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги босқични бошлаб берди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш

тўғрисида»ги қарори оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу орқали уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кўчайтиришда муҳим роль ўйнапти.

«Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмасида мамлакатимизнинг етакчи даврий босма нашрлари, ахборот агентликлари ва нашриётларнинг матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқлари билан батафсил танишиш мумкин. Бу йилги кўргазмада нафақат марказий, балки худудлардаги ёшлар даврий нашрларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида болаларнинг маънавий-маърифий камолотига хизмат қилувчи, илмий, илмий-оммабоп, ўқув ва ўқув-усулий китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Миробод туманлараро судининг 2014 йил 26 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Асалобод 2-мавзеси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 585,0 кв.м., 2 қаватдан иборат бўлган тураржой.
2. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой туманлараро судининг 2014 йил 15 октябрдаги 1-2883/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Нуридинов кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 299,0 кв.м.дан иборат дўкон биноси.
3. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 15 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат ишлаб чиқариш биноси.
4. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 1-251/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 1389 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е блокларидан иборат ишлаб чиқариш биноси.
5. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 4048 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т блокларидан иборат ишлаб чиқариш биноси.
6. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 1939 кв.м. бўлган, К,

Э, Я, Ц, Х, Ю, Ф, Ч, Ш, У блокларидан иборат ишлаб чиқариш ва оморхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 811 317 686 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 23 декабрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳаётини давлатлари иқтисодиётига ҳамон ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган ҳозирги мураккаб бир шароитда Ўзбекистон барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларга, иқтисодиётнинг барча соҳаларида эса юқори ўсиш суръатларига эришмоқда.



Бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган, дунёда тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб ном олган тадрижий ислохотларнинг юксак самарасидир.

Мамлакатимизда олиб борилётган ислохотлар натижасини банклар қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида молия-банк тизими ислох қилиниб, молиявий хизматларнинг тўлақонли бозори шакллантирилди. Пировардида тижорат банклари иқтисодий тараққиётни таъминлашда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барча жабҳада банкларнинг фаоллиги кўзга яққол ташланапти. Қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўладими, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, уй меҳнатини ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириши — буларнинг барчаси молия муассасаларининг иштирокида рўёбга чиқаяпти. Айниқса, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг роли сезиларли даражада ортмоқда.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Республикаимиздаги йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг кенг турдаги тезкор ва ишончли хизматлари бунга мисол бўла олади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриалмаб бўлиб хизмат қилмоқда.

тартиби жорий этилгани шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Фармон ва қарорда электрон интерактив хизмат турларини амалиётда кенг қўллаш ҳам кўзда тутилган. Яъни тадбиркорлар "Интернет-банкнинг" тизими орқали молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги хисоботларни интерактив рақамийлаштириш ҳамда тақдим қилиш имкониятларига эгадирлар.

"Агробанк" томонидан ана шу хўжатлар талаблари ижросини таъминлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, банкнинг веб-сайтида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи ахборотлар, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, банк томонидан тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бир йил муддатга кредит олиш учун электрон шаклда хўжатларни тақдим қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар эса у орқали 249 та ариза ва кредит хўжатлари қабул қилиниб, шунга асосан, 9 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди.



— "Агробанк"нинг доимий мижози сифатида унинг янги турдаги хизматларидан унумли фойдаланиб келаямман, — дейди Муборак туманидаги "Мовий гумбаз қурувчиси" корхонаси раҳбари Тўйли Нарзуллаев. — Яқинда жорий этилган интерактив хизмат турининг қулайлиги шундаки, кредит олиш учун ариза ва зарур хўжатларни банкка олиб боришга ҳожат йўқ. Яъни уларни электрон шаклда интернет орқали юбор-

Шунингдек, банк томонидан қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик қобилиятларини юзга чиқариш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор", "Менинг бизнес гоём" кўриқ-танловлари ана шулар сирасига қиради. Ёшлар ўртасида тобора оммалашиб, нуфузи ошиб

РЕКЛАМА ЎРНИДА

тизими йўлга қўйилгани, айниқса, биз каби олис худудда истикомат қилаётган тадбиркорлар учун айти муддао бўлди. Масалан, мен ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда, ўз уйимда туриб, кредит олиш учун хўжатларимни электрон шаклда интернет орқали жўнатдим. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес-лойиҳам банк

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилаётган тадрижий чора-тадбирлар юрт равнақи, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.



дим. Лойиҳам кўриб чиқилгач, банкнинг Муборак тумани филиалидан 35 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бундай хизмат йўлга қўйилганидан жуда хурсандимиз. Барча ишимиз бир зумда масофавий электрон тизим орқали бажарилаяпти-да.

ижросига ҳам йўналтирилмоқда. Кредит олиб, ундан мақсадли фойдаланётган тадбиркорларнинг фаолияти, амалга ошираётган истиқболли лойиҳалари билан яқиндан танишар экансиз, буларнинг барчаси аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётганига гувоҳ бўласиз.

— Туманимиз республикаимизнинг энг олис худудида жойлашган, — дейди Томди туманидаги "Томди Сако" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Давлат Нурматов. — Шундай бўлса-да, тезкор молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Хусусан, "Агробанк" томонидан тадбиркорлар учун кредитлар олишда масофавий электрон тизимнинг жорий қилингани натижасида эндиликда биз, тадбиркорларга ортиқча овозгарчиликсиз ўз ишимизни битириш имконияти вужудга келди. Бундай дейишимнинг боиси, яқинда ушбу тизим қулайликларидан фойдаланиб, 300 миллион сўм миқдорда кредит олдим.

Мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам банк жамоасининг диққат-эътиборида. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш натижасида жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилаяпти. Бу эса жорий йилнинг ўтган даврида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, қўшимча лойиҳаларини молиялаштириш учун қарийб 26 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилгани шарофатидир.

бораётган ушбу танловлар бу йил ҳам уюштирилиб, кўплаб ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Маълумки, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ва ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Натижада истиқлол йилларида оила кўрғонининг чарғобони бўлган аёлларимизнинг қадри юксалиб, ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи янада ошди. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳада фаол бўлиб, ташаббус кўрсатишга ундаётгани айтилган ҳақиқат. Бундан ташқари, бугунги кунга келиб, кўплаб соҳалар, хусусан, оилалар мустақамлиги ва рўзғор тўқинлигининг асосий омили ҳисобланган тадбиркорликда хотин-қизлар иштироки кенгайиб, улар ижобий ютуқларни қўлга киритаётгани алоҳи-

жамоасига маъқул келиб, қисқа фурсат ичида 30 миллион сўмлик сармоя ажратилди. Ушбу маблаг эвазига нафақат корхонамиз фаолияти кенгайди, балки маҳаллий ёшларни ҳам иш билан банд қилишга эришдик.

"Агробанк" томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган шу каби тадбирлар туфайли шибилармон аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга 70 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар йўналтирилди, шунинг ҳисобидан жойларда 3046 та иш ўрни очилди.

Мухтасар айтганда, "Агробанк" АТБ жамоаси Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни ва рўзғор тўқинлигининг асосий омили ҳисобланган тадбиркорликда хотин-қизлар иштироки кенгайиб, улар ижобий ютуқларни қўлга киритаётгани алоҳи-



да эътиборга молик. Табиийки, бунда банклар опационлиги ва фирмалар таъминоти билан ҳамкорлик, молиявий мададкорига айланган.

— "Агробанк" кўмағида тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш, уй бекаларининг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаямиз, — дейди Сўх туманидаги "Дилнури Дилрух" кичик корхонаси раҳбари Муқаддасхон Қодирова. — Банк томонидан электрон шаклда кредит ажратиш

Унга мувофиқ, Соғлом бола йилида мамлакатимиз иқтисодиётини хар томонлама тараққий эттириш, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини ошириш йўлида изланиб, ўзининг молиявий хизматлари билан камарбаста бўлиб келмоқда. Банк жамоаси бундан кейин ҳам ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалар равнақида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.

Икки қитъа полвонлари Тошкентда беллашмоқда

ОФИР АТЛЕТИКА



Пойтахтимизда оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва 3-Осиё кубоги бошланди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақаларда Африка ва Осиё қитъасининг 20 давлатидан 300 нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун ўзаро беллашяпти.

Кеча "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мазкур мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Осиё оғир атлетика федерацияси бош қотиби Али Моради ва бошқалар истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сийосати даражасида эътибор қаратилиб, шу асосда жойларда кенг қўллали ислохотлар олиб борилётганини алоҳида таъкидлашди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мубайнида катта куч ва маблаг эвазига хар бир худудда юзлаб спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилди. Айни пайтга келиб, ана шундай масканларда чинқиқиб, маҳоратини оширган Ватанимиз ёшлари ҳамда Олимпикда ўйинларида муносиб қатнашмоқда.

Мамлакатимизда Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган оғир атлетика ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур спорт турининг моддий-техника базасини мустақамлаш, ёш истеъодларнинг маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани оғир атлетикачиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятларини таъминлайди.

Жумладан, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриднов жорий йилнинг 7 — 16 ноябрь кунлари Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди. Ушбу нуфузли мусобақада яна бир таърибли спортчимиз Улуғбек Алимов силтаб кўтариш мусобақасида кумуш медал билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионати ақунлари кўра, битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални жамғарган эркаклар терма жамоамиз 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг 5 та йўлланмаси эгасига айланди. Хотин-қизлар терма жамоамиз ҳам муносиб иштироки орқали ана шу нуфузли мусобақага учта йўлланмани қўлга киритди.

Бундан ташқари, жорий йил август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида Фарҳодбек Собиров ва Адхамжон Эргашев ўз вазн тоифасида кумуш ҳамда бронза медалига сазовор бўлди. Жанубий Корейнинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида оғир атлетикачимиз Маҳлиё Тогаева иккикўрага бўйича 187 килограмм натижа кўрсатиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Тошкент шаҳрида бошланган оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва 3-Осиё кубоги ёш атлетларимизни 2016 йилги ёзги Олимпиада ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаш вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

WWW.XS.UZ

Хитой Халқ Республикасининг марказий нашрларида Урганч шаҳрида Орол денгизи ҳавзасида минтақавий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция якулига доир мақолалар эълон қилинди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 74 152 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳах — Ш. Машрабобоев.